

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2025-yil 13-noyabr, payshanba

45 (9365)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi



СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕК-ҚИРГЎЗ ҚЎШМА КОМИССИЯСИНИНГ 7-ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

Жорий йилнинг 11 ноябрь куни Манас шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қирғиз Республикаси Сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати вазирлиги ҳузуридаги Сув ресурслари хизмати ўртасида сув хўжалиги масалалари бўйича Қўшма комиссиянинг 7-йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда иқлим ўзгариши шароитида сув-энергетика хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистондан Сув хўжалиги вазирлиги Шавкат Хамраев бошчилигида тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иборат делегация иштирок этди.

Қирғиз томонига Қирғиз Республикаси Сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати вазирлиги Бакыт Торабоев бошчилигида тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иборат делегация иштирок этди.

Шунингдек, тадбирда Қирғиз Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати вазирлиги Бакыт Торабоев иштирок этди ва йиғилишни очиб берди.

Б.Торабоев Ўзбекистон

ва Қирғиз Республикалари Президентларининг оқилона сиёсати икки давлат ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган стратегик шериклик даражасига қўтарилганини, шунингдек, "Сувни ҳар икки халқ учун ихтилоф эмас, балки яқинлашув, дўстлик ва барқарор тараққиёт манбаи сифатида қўриш муҳим"лигини таъкидлади.

Йиғилишда қирғиз томони ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида чегара ҳудудларда томчилатиб ва автоматлаштирилган суғориш технологияларини жорий этиш, чегара бўйлаб ўрмон масофаларини тиклаш ва чўлланишга қарши курашиш мақсадида «Дўстлик яшил камари»ни барпо этиш, шунингдек сув-энергетика йўналиши бўйича давлат органлари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш таклифларини билдирди.

(Давоми 2-саҳифада)



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Айни кунларда Тошкент давлат аграр университетининг 95 йиллиги байрами тантаналари кенг нишонланмоқда. Дастлаб ўнинчи ноябрь куни бошланган тадбирни университет ректори Н. Обломуродов кириш сўзи билан очиб берди. Ўз нутқида у шундай таъкидлади: "Ватанни фақат қурол билан эмас, балки ўткир сеҳн ва билим билан ҳам ҳимоя қилиш мумкин.

Аграр соҳада ёшларнинг ўрни бекиёс. Барчангизни университетининг 95 йиллиги билан чин дилдан табриклайман." Ректор, шунингдек, Президентимизнинг "олтин авлод" ҳақидаги сўзларини эслаб, учрашув ёшлар учун ўтган авлодлар тажрибасидан сабоқ олиш ва келажак мақсадларини белгилашда муҳим имконият эканини таъкидлади. Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони А. Эшматов, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директорининг ўринбосари О. Аманов, Паркент тумани



"Parkent Plants" МЧЖ раҳбари А.Шухратов, Сирдарё вилояти Боёвут тумани "Навбахор" МФЙ раиси Ж. Раҳмонов ҳамда бошқа таниқли битирувчилар иштирок этдилар. Паркент тумани "Parkent Plants" МЧЖ раҳбари Шухрат Аббосов 2004 йилда бакалавр, 2006 йилда магистратура босқичини тамомлаган, АҚШнинг Калифорния штатида амалиёт ўтаган. Ҳозирда интенсив боғдорчилик йўналишида республикада етакчилик қилади. У сунъий интеллект ёрдамида онлайн контент ва адабиётлар яратиш ташаббусини илгари сурди.

Сирдарё вилояти "Навбахор" МФЙ раиси Жўрабек Раҳмонов ўз чиқишида шундай деди: "Университетга кириб келар эканман, гўё у 95 ёшли эмас, 18 ёшли ёш университетдай туюлди. Бу яратилган шароитлар учун Президентимизга миннатдорчилик билдираман." Шунингдек, устозлардан олган



таълими, имтиёзли диплом билан тамомлагани, шўрланган ерларда ҳосилдорликни 45 центнергача етказгани ҳақида сўзлаб, "тақдиримдан ва она университетимдан розиман", дея нутқини якунлади. Ўзбекистон "Аграр соҳа аёл-

лари" уюшмаси раиси А.Ахмеджанаева эса сўзга чиқиб, университетда яратилаётган янги шароитлар, замонавий аудиториялар, спорт заллари ва дам олиш масканлари хусусида фахр билан сўз юритди. (Давоми 3-саҳифада)

290 МИЛЛИОН МЕТР КУБ СУВ ИҚТИСОД ҚИЛИШГА ЭРИШИЛДИ

Сурхондарёлик ирригаторлар мавжуд обихаётдан самарали фойдаланиш, иқтисод қилиш ва исрофгарчиликларнинг олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Биринчи навбатда сув оқадиган каналлар, шоҳариқлар ва ички суғориш тармоқларининг тупроқ ўзали қисмини бетонлаштиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Ўтган йили каналларнинг 420 километр узунлигида қисми, ички суғориш тармоқларининг 1600 километрга бетон қоплама ётқизилган. Ушбу тадбирларнинг самарасини сезган соҳа ходимлари жорий мавсумда ҳам суғориш тармоқларини бетонлаштиришни қизғин давом эттирмоқда. Сентябрь-октябрь ойлари орасида каналларнинг 120 километри ва ички суғориш тармоқларининг 200 километри бетонлаштирилди. Бундан ташқари, давлат дастурларига асосан вилоятдаги йирик ирригация тармоқларининг 66,8 километр узунлигида қисмини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва бетонлаштириш



ишлари жадал суръатларда давом эттириляпти.

Сувни иқтисод қилишнинг самарали усулларида бири бу тежамкор технологияларни кенг майдонларда жорий қилишдан иборат. Бу борда ҳам вилоятда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида ирригаторларнинг тарғибот-

ташвиқоти ва ташаббуси эвазига фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда кластер ташкилотлари тасарруфидаги экин майдонларининг 38,2 минг гектарига сув тежамкор технологиялар ўрнатилиб, самарали фойдаланилди.

Бундан ташқари сувчиларнинг жойларга чиқиб, деҳқонлар томонидан суғориш тармоқларида оқиб турган обихаётдан фойдаланишни қатъий назорат қилиб боргани, етказиб берилган ҳар куб метр сув билан белгиланган майдонни суғориш талаби қўйилгани, пойнобга чиқариш ва зовурларга оқизиб қўйиш ҳолатларига барҳам беришга эришилгани натижасида вилоятда жорий йилнинг ўн ойи давомида лимит бўйича ажратилган сувнинг 290 миллион метр кубини иқтисод қилишга эришилди.

Аму-Сурхон ИТХБ матбуот хизмати



Ғалла ва пахта УРУҒЧИЛИГИ:

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН ҚАНЧА УРУҒ ЖАМҒАРИЛДИ?

Мамлакатимизда ғалла ва пахта уруғчилигини янада такомиллаштириш борасида ҳам кенг қўламли ишлар изчил амалга оширилмоқда. Ғалла уруғчилиги бўйича оладиган бўлса, келгуси йил ҳосили учун 200 минг тоннадан ортиқ уруғлик дон жамғарилди. Жорий йилдан сифатли ва навдор уруғлик дон етиштириш тизими жорий этилди.

Ушбу мақсадда "Агроплатформа" ахборот тизими орқали очик ва шаффоф танловлар ташкил этилиб, 2913 та қишлоқ хўжалиги субъекти танлаб олинди ва уларга 80 минг гектарга яқин майдон бириктирилди. Уруғлик экин майдонларида агротехник тадбирлар сифати, нав тозаллиги ва сертификатлаш мезонлари бўйича мониторинг ишлари олиб борилди. "Э-уруғ" ахборот тизими орқали амалга оширилган апробация тадбирлари натижасида 261 та субъектга тегишли 64,7 минг гектар майдонлар яқин майдон бириктирилди. Жорий йилнинг 14 июль ҳолатига кўра,

Республика бўйлаб жами 200,3 минг тонна уруғлик дон жамғарилди. Бу кўрсаткич дастлаб белгиланган режага нисбатан 100,1 фоизни англайди. Йиғилган уруғлик донининг 47,1 фоизи дон корхоналарида, 36,2 фоизи Уруғчиликни ривожлантириш маркази тизимидаги корхоналарда, 16,4 фоизи кластерларда ва 0,4 фоизи Миллий марказ тизимидаги ташкилотларда сақланмоқда. Худудлар кесимида олиб қаралганда, энг кўп уруғлик дон етиштирилган майдонлар Фарғона, Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига тўғри келмоқда. Ушбу натижалар нафақат уруғчилик тизимидаги ислохотларнинг самараси, балки қишлоқ хўжалиги соҳасида рақамли технологияларнинг жорий қилиниши орқали эришилган натижалар сифатида қайд этилмоқда. (Давоми 2-саҳифада)

Пахтачиликда янги давр

янги навлар ва технологиялар – юқори ҳосил гарови

ДУНЁДАГИ ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИ МАМЛАКАТЛАРНИ ЯГОНА МАҚСАД АТРОФИДА ЖАМЛОВЧИ ПАХТА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАСЛАХАТ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ҲАР ТЎРТ ЙИЛДА БИР МАРТА ЖАХОН ПАХТА ТАДҚИҚОТЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ. 1994 ЙИЛДАН БОШЛАБ УШБУ НУФУЗЛИ КОНФЕРЕНЦИЯГА АВСТРАЛИЯ, ГРЕЦИЯ, ЖАНУБИЙ АФРИКА, АҚШ, ҲИНДИСТОН, БРАЗИЛИЯ, МИСР МЕЗБОНЛИК ҚИЛГАН БЎЛСА, ЎТГАН ЙИЛНИНГ 3-8 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ДУНЁ ПАХТА МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ. БУ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА. ЎЗБЕКISTON ПАХТАСИ ДУНЁДА СИФАТ КЎРСАТКИЧИ ЖИҲАТИДАН ЮҚОРИ ЎРИНДА ТУРАДИ ВА ПАХТА СИФАТИНИ БЕЛГИЛАШДА ЭТАЛОН ВАЗИФАСИНИ БАЖАРАДИ.

Ислохот сабаби – зарурият

Тўғри, янгилик янги марраларни забт этишга асос бўлади, лекин уни татбиқ қилиш ҳар қайси даврда ҳам осон бўлмаган. XVIII аср охири XIX аср бошларида Англияда фан-техника тараққий этиб, завод ва фабрикалар бир неча ишчининг вазифасини бажара оладиган станоклар билан жиҳозлана бошлади. Ишсиз қолишига станоклар

сабаб деб билган ишчилар бош кўтариб, уларни буза бошладилар. Бу воқелик тарих саҳифаларига луддитлар ҳаракати сифатида муҳрланди. Бугунги кунда инсоннинг меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди, имкон қадар камроқ жисмоний ҳаракат қилиб, бўш вақтини бошқа фойдали машғулотларга, ўзини ривожлантиришга сарфламоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕК-ҚИРҒИЗ ҚЎШМА КОМИССИЯСИНИНГ 7-ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбек томони икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ҳурмат, яқин қўшничилик ва масъулият принципларига таянилган ҳолда ривожланиб бораётганини қайд этди. Шунингдек, Андижон (Кампиробод) сув омборидан “Қорадарё” дарёсига белгиланган тартибда сув етказиб бериш бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажарганлигини ҳамда 2025 йил учун Косонсой (Ўрта-Тўқай) сув омборининг эксплуатация харажатларини ўз вақтида қоплаганлигини қайд этиб ўтди.

Томонлар жорий йилнинг 12 июнь кuni Андижон шаҳрида бўлиб ўтган комиссиянинг 6-йиғилиши баёни ижросини муҳокама қилдилар.

Бажарилаётган ишлар босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги эътироф этилди. 6-йиғилиш баёнидаги барча бандларни 2026 йил 1 чораги охиригача тўлиқ бажаришга келишиб олинди.

Косонсой (Ўрта-Тўқай) сув омборидан давлатлараро фойдаланиш, хусусан, 2025 йил вегетация мавсумида сув омборидан фойдаланиш натижалари ҳам муҳокама қилинди.

Томонлар сув омборини самарали бошқариш мақсадида яқин алоқани сақлаш, зарур техник ва амалий

ахборотларни ўз вақтида ўзаро алмашиб боришга келишиб олдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг “Пахтабод” ва “Чуст” каналларини Қирғиз Республикаси худудидан ўтган қисмини механик тозалаш ҳамда бетонлаштириш бўйича ишларни биргаликда амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон томони ушбу каналларни босқичма-босқич механик тозалаш зарурлигини таъкидлади ва бетонлаштириш ишларининг бир қисmini бажаришга тайёрлигини билдирди.

Ўз навбатида, қирғиз томони бу ишлар учун зарур иш фронтини яратишда амалий кўмак кўрсатишга тайёрлигини айтиб ўтди.

Томонлар таъмирлаш-тиклаш ишларининг самарали амалга оширилиши учун уларнинг ҳажми ва бажариш муддатларини ўз вақтида бажаришга келишиб олдилар.

Томонлар сув хўжалиги соҳасида икки томонлама ҳамкорликка доир қатор масалаларни муҳокама қилдилар.

Йиғилиш дўстона ва конструктив руҳда ўтди, унинг якунида тегишли баённома имзоланди.

Сув хўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ



Олтин кузнинг айни дамларида булунғурлик дехқонлар, фермерлар, томорқа эгалари ҳам “ғалвирни сувдан кўтаришмоқда”, йил бўйи қилинган дехқончилик ишларини “хўжани кузда санаймиз”, деганларидай сарҳисоб қилишмоқда. Кенг далаларда етиштирилган мўл ҳосиллар бозорларимизда элимиз дастурхонига мунтазир бўлиб турибди. Олтин куз фасли, ҳосил байрамлари, тўқинлик ҳаммамизга муборак бўлсин, азизлар!

Раббим ХОТАМОВ олган суратлар.

Эълонлар

10-01/9399 рақаами билан 1993 йил 19 февралда Войцеховская Ольга Витальевна номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
06-01/4130 рақаами билан 1993 йил 22 январда Ахмуллаев Осмон номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
09-02/8194 рақаами билан 1993 йил 3 апрелда Маннапов Абдумунин Абдурафович номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
04-02/12432 рақаами билан 1993 йил 13 февралда Рихсиджоева Шоира номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
04-01/554 рақаами билан 1992 йил 10 декабрда Поваляев Александр Николаевич номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордерининг 2006 йил 31 майда берилган дубликати йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Олимлар томонидан хорижий навларнинг кўсак қурти ва гербицидга бардошlilik генларини маҳаллий гўза навларига ўтказиш ва чатиштириш, сувсизлик ва шўрга чидамли янги навларни яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда

Пахтачиликда янги давр янги навлар ва технологиялар – юқори ҳосил гарови

(Боши 1-саҳифада)

Соҳаларни рақамлаштириш, автоматлаштириш ва механизациялашдан асосий мақсад ҳам шу аслида. Тинимсиз меҳнат, куч ва эътибор талаб қиладиган соҳа – қишлоқ хўжалигида ҳам шу тенденция кетмоқда. Мамлакат аҳолисининг салмоқли қисми банд бўлган ушбу соҳага янги технологияларни жорий қилиш орқали юқори ҳосил – даромад – фаровон турмуш тизимига ўтиш мумкин.

Собик шўролар давридаги пахта сиёсати туфайли бугунги кунда халқимиз орасида бу бебаҳо неъматга нисбатан турли қарашлар шакланган. Оғир қисмоний ва мажбурий меҳнат, заҳарли қимёвий воситаларнинг қўлланиши, минг машаққатлар билан етиштирилган ҳосилнинг паст нархларда сотилиши, охир-оқибат халқ тили билан айтганда “деҳқоннинг қосаси оқармаганлиги” пахтага нисбатан салбий фикрларни пайдо қилган.

Ҳосилдорлик ва даромаднинг кескин камайиб кетгани пахтачилик соҳасида илмий ёндашувлар асосидаги кечиктириб бўлмайдиган ислохотларни тақозо этарди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 15 декабрдаги қарори пахтачиликда янги босқични бошлаб берди. Қарорга мувофиқ 2024 йилдан бошлаб тажриба-синов тариқасида мамлакатимизга юқори ҳосилдор хорижий гўза навлари ва дурагайлари олиб келиниб, экила бошланди. Албатта, хорижий навлар шунчаки олиб қирилмади, уларни танлашда глобал иқлим ўзгаришига ва республика-миз тупроқ-иқлим шароитларига мослиги, шўрланишга, турли касалликларга ва кўсак қуртига чидамли экани, ҳосилдорлиги, тола сифати ва чиқими юқорилигига алоҳида эътибор қаратилди. Келтирилаётган хорижий гўза уруғликлари махсус текширув ва молекуляр-эпигенетик таҳлиллардан ўтказилди. Шу билан бир қаторда пахта етиштиришда “Шинжон тажрибаси” асосида ресурстежамкор технологиялар ҳам жорий этилди. Тажриба йилида турли худудларда экилган Хитой пахта навларидан 70 центнергача, Ҳиндистон пахта навларидан 60 центнергача ҳосил олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши, олим ва мутахассислар томонидан хорижий гўза навларини етиштириш, янги технологияларни жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ва амалий ишлар олиб борилди. Ўрганишлар ва илмий таҳлиллар асосида ҳосилдорлиги



30 центнердан паст бўлган пахта майдонларида босқичма-босқич янги ва истикболли навларни экиш, сифатли пахта ҳосилини етиштиришда замонавий агротехнологияларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Жорий йилда республика бўйича жами 595,6 минг гектар майдонга маҳаллий ва 279,9 минг гектар майдонга хорижий гўза навлари экилди. Хорижий гўза навлари худудларнинг ўзига ҳосилқаридан келиб чиққан ҳолда танланди: кўсак қурти “ўчоқ”ларига Хитойнинг Vt генли навлари, шўрланганлик даражаси юқори майдонларга Ҳиндистон навлари, сув таъминоти оғир худудларга қурғоқчиликка чидамли навлар ва кластерлар талабига мувофиқ тола чиқими юқори Туркия навлари экилди. Республика бўйича маҳаллий ва хорижий гўза навлари экилган жами 143,7 минг гектар майдонда эса “Шинжон тажрибаси” асосида янги интенсив агротехнология жорий этилди.

Шу пайтга қадар Ўзбекистонда кўп йиллик тажриба ва агротехнологиялар асосида пахта етиштириб келинган. Бироқ бугунги тупроқ-иқлим шароитида илгари самарали бўлган усуллар иш бермаётгани ҳам бор гап. Тадқиқотларда анъанавий усулда, яъни гўза 90 см.ли жўяқларга яккақатор экилганда кўчат сони кам бўлиши, далани бир неча марта бегона ўт бошиши, озиқа элементлари кўп сарфланиши, тупроқдаги намлик тезда бўғланиб кетиши, ҳосилдорлик кам бўлиши ва бу иқтисодий самарасиз усул эканлиги аниқланди. Гўза 76х15 ёки 76х10 схемаларда қўшқатор усулда плёнка остига томчилатиб суғориш технологияси асосида экилганда қайд этилган ҳолатлар кузатилмаслиги ва ҳосилдорлик 70-80 центнергача ошгани кузатилди. Анъанавий усулда бир гектар майдонда пахта ҳосили етиштириш учун ўртача 26 млн. сўм хара-

жат қилиниб, 3 млн. сўм даромад олинар эди. Жорий этилган усулда яганалаш, чопиқ ва бегона ўтдан тозалаш, чилиш амали-ётлари ўтказилмаслиги ҳисобига харажат қарийб тенг ярмига қисқарди. Етиштирилган ҳосил ўртача 60-70 (айрим жойларда эса 90) тоннани ташкил этаётганига қараб эса даромадни чамалаш мумкин.

Янги технологияда аниқ уялаб экиш ҳисобига уруғлик чигит гектарига ўртача 23 кг. сарфланади. Анъанавий усулда ҳар гектарига тукли чигит 45-50, туксиз чигит 25-30 кг. экилади. Бундан ташқари, ўғит суяқ ҳолда томчилаб суғориш тизими орқали берилганлиги сабабли кам сарфланади ва таъсир кучи ортади. Томчилаб суғорилганда гектарига 760-880 метр куб сув сарфланиб, 300-400 метр куб сув иқтисод қилинади. Плёнка остига экилган пахта далаларида одатдагидек 7 марта культивация ўтказилмайди ва бу билан иш кучи, ёниги-мойлаш ва техника харажатлари тежаб қолинади.

Яна бир энг муҳим жиҳат – интенсив технология асосида етиштирилган пахта машина теримига мослашган ва ҳосил баварар пишиб етилгани учун битта терим қифоя. Ҳосилни пахта териш машиналарида йиғиб олиш камхаражат бўлиб, қўл меҳнатини бартараф этади.

Интенсив технологияда ўсимликнинг ривожланишини бошқариш мумкин, бу дехқонга гўза билан тиллашиш имконини беради, пахтанинг дехқон хоҳлаган пайтда пишиб етилишини таъминлайди.

Янгиликни жорий қилиш осон эмас, лекин...

Ҳар қандай янгиликни ҳаётга татбиқ этиш осон ва силлиқ кечмайди, дастлаб у қаршилик ва танқидларга учраши табиий ҳол. Янги технологиянинг афзалликлари тарғибот қилинишига қарамай экиш

Ғалла ва пахта уруғчилиги: келгуси йил ҳосили учун қанча уруғ жамғарилди?

“Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги соҳасида “э-уруғ” ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижроси юзасидан уруғлик пахта етиштириш бўйича белгиланган вазибаларни амалга ошириш ҳамда келгуси йил ҳосили учун давлат реестрига киритилган гўза навларининг давлат стандартлари талабларига жавоб берадиган уруғликлари билан таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жорий йилда “Э-уруғ” дастури орқали 130 та тумандаги 2026 та субъект, илмий тадқиқот институтлари ҳамда хусусий уруғчилик хўжаликлари томонидан жами 81,8 минг гектар майдон уруғлик пахта етиштириш учун танлаб олинди, уруғлик пахта етиштирилди. Шундан маҳаллий навлар 65,4 минг гектарга, хорижий навлар 15 минг гектарга экилди. Мазкур майдонларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ишчи гуруҳлар тузилиб, уч марта дала мониторинг кўриклари ўтказилди. Мониторинг натижаларига кўра, 2,4 минг гектар майдонлар уруғчилик талабларига жавоб бермаганлиги сабабли уруғлик учун яроқсиз, деб топилган. Апробация тадбирлари давомида уруғлик пахта парварисида хато ва камчиликларга йўл қўйилган 22,1 минг гектар майдонлар уруғлик учун яроқсиз, деб



топилган. Апробация натижаларига кўра, яроқли, деб топилган 1596 та субъект томонидан 58,2 минг (51,6 минг га. маҳаллий, 6,6 минг га. хорижий) гектар майдонлардан 84,4 минг тонна уруғлик пахта, шундан 73,9 минг тонна маҳаллий, 10,5 минг тонна хорижий уруғлик пахта хомашёси жамғариш режалаштирилди.

Бугунги кунга қадар республика миқёсда жами 88,7 минг тонна уруғлик пахта хомашёси жамғарилган бўлиб, шундан 59,9 минг тонна ҳосил қабули дастурига уруғлик сифатида киритилган, 11,1 минг тонна техник пахта сифатида алоҳида ғарамларда жамғарилган, 17,7 минг тонна вилоят ҳокимликларининг таклифига кўра қўшимча жамғарилган. Ҳосил қабули дастурига киритилган 59,8 минг тонна (70,8%) уруғлик пахта хомашёсининг 50,8 минг тоннаси

маҳаллий, 9,1 минг тоннаси хорижий навларни ташкил этади. Худудларда тендердан ўтган уруғчилик субъектларининг 11,1 минг тонна уруғликлари асосий техник пахта сифатида жамғарилганлиги аниқланиб, алоҳида ғарамларда сақланаётганлиги тўғрисида далолатномалар тузилди. Бундан ташқари, вилоят ҳокимликларининг таклифига кўра, пахтачилик кластерлари ва хорижий уруғчилик субъектлари (“Индорама агро” МЧЖ, “Лонгпинг Сеед” МЧЖ ҚҚ, “Чжун Чжен” МЧ) томонидан ўз эҳтиёжлари учун (танловда иштирок этмаган) 6,5 минг гектар майдонда етиштирилган хорижий навлардан жами 17,7 минг тонна қўшимча хорижий уруғлик пахта жамғарилди (мазкур уруғликларни ижобий молекуляр-генетик ва экинбо-плик хулосаси ва рақамли QR

мавсумида фермер ва дехқонлар орасида иккиланишлар, натижаларга ишонсизлик ҳам кузатилди. Қолаверса, кўпчиликни янги технология асосида чигит экадиган сеякалар, плёнка, томчилаб суғориш анжомлари учун талаб этиладиган маблағ ҳам ўйлантирарди. Давлат томонидан пахта етиштирувчилар учун субсидия ва имтиёзли кредитларни ажратиш орқали ушбу муаммолар ҳал этилди. Пахтачилик кенгаши аъзолари, олим ва мутахассислар томонидан мавсум давомида фермер ва дехқонларга тушунчалар берилиб, дала ўқув семинарлари ташкил этилди, хорижий ва маҳаллий гўза навларини интенсив усулда етиштириш агротехнологияси бўйича услубий қўланма ва тавсиялар тарқатилди. Бугунги кунда далалардаги ҳосил ва хирмонга қараб ислохот ўз самарасини берди, илмий ёндашув асосидаги янги технология ўзини оқлади, деб баралла айтиш мумкин.

Пахтачилик соҳаси ва илмидаги саъй-ҳаракатлар бу билан тўхтаб қолмайди. Олимлар томонидан хорижий навларнинг кўсак қурти ва гербицидга бардошlilik генларини маҳаллий гўза навларига ўтказиш ва чатиштириш, сувсизлик ва шўрга чидамли янги навларни яратиш, интенсив агротехнологияни янада такомиллаштириш устида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар пировардида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, фермерлар даромадини ошириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Пахта толаси, чигити ва поясидан юздан зиёф маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 2023 йилда дунё бўйлаб 74 млн. тонна пахта хомашёси тайёрланиб, ундан тахминан 44,4 млн. тонна чигит ажратилган. Маълумки, гўза чигити таркиби 21 фоиэ ёғ ва 23 фоиэ оқсилдан иборат. Оқсил эса инсон саломатлиги ва ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда 2023 йилда етиштирилган тахминан 3,5 млн. тонна пахта хомашёсидан тахминан 2,1 млн. тонна чигит ажратилган. Бу қарийб 483 минг тонна оқсил демакдир. Инсоннинг оқсилга бўлган қўнлик меъёри 50 грамм деб олинса, 26,5 млн. аҳолини йил давомида оқсил билан таъминлаш мумкин.

Пахта толаси матодан тайёрланган кийим-кечак ва ашёлар табиий ва экологик тоза маҳсулотлар сифатида қадрланади. Юртимизда пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш орқали қўшимча қиймат яратилмоқда. Ўзбекистонда тайёрланган ёрлиғи остидаги маҳсулотлар хорижий мамлакатларда харидорлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, гўза майдонларини Ер қуррасини кило-род билан таъминловчи катта завод дейиш мумкин. Гўза қарбонад ангидридни ютиб, килород чиқарадиган ўсимликлар орасида чемпиондир.

Пахта ва унинг фойдаларини санаб, адоғига етиш мушкул. Муҳими, ушбу бебаҳо неъматни етиштириш ва қайта ишлаш жараёнига замонавий технологияларни жорий қилиш, муаммоларни илм орқали ҳал этишдир. Бугунги натижалар пахтачи-ликда янги давр бошланганидан, келгусида бундан-да юқориқоғ натижаларга эриши-шимиздан далолат беради.

Шахноза ЭРҒАШЕВА

кодли ёрлик бериш асосида 2026 йил ҳосили учун экиш мақсадида фермер хўжаликларига арзон ва сифатли уруғлик етказиб бериш режалаштирилмоқда).

Жорий йил ҳосилидан жамғарилган 88,7 минг тонна уруғлик пахта хомашёсидан 22,7 минг тонна уруғлик чигит тайёрланиши қўтилмоқда. Шунингдек, жорий йил экишдан ортиб қолган, “тиним” даврига қўйилган 16,9 минг тонна уруғлик чигит қолдиғи мавжуд. Келгуси йил ҳосили учун жами 39,6 минг тонна уруғлик чигит тайёрланиб, шундан 10 минг тонна хорижий (гектарига 25 кг.дан 400 минг га. майдонга етади) ва 29,6 минг тонна маҳаллий (гектарига 35 кг.дан 845 минг га. майдонга етади) навлар уруғликлари тайёрлаш режа қилинди. Жамғарилган уруғликлар замонавий саралаш, дорилаш ва қадоқлаш ускуналари (лазерли фотосепаратор) билан жиҳозланган уруғлик тайёрлаш корхоналарида қайта ишланади.

Яқинда Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан ташкил этилган “2026 йил ҳосили учун жамғарилган ғалла ва пахта уруғликлари, халқаро ҳамкорлик алоқалари ва янги инновацияларнинг жорий этилиши” мавзусидаги матбуот анжуманида шулар хусусида батафсил сўз юритилди.

Ўз мухбиримиз

Тадбир якунида олима аёллар, фаол иштирокчилар ташаккурнома, эсдалик совгалари ҳамда университетнинг 95 йиллик кўкрак нишони билан тақдирланди

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Тадбир давомида талабаларнинг савол-жавоблари, фикр-мулоҳазалари тингланди. Битирувчилар томонидан “ҳар бир талаба бир кўчат экиши ва АРМга биттадан китоб совға қилиши” таклифи илгари сурилди. Шунингдек, битирувчилар жамоатчилик асосида ҳар бир вилоятда университет жамоаларини ташкил этиш ва улар орқали университет нуфузини янада ошириш ташаббусини билдирдилар. Маданий қисмда миллий куй ва қўшиқлар икרו этилди. Шўҳ наволар остида талаба-қизларнинг рақслари байрамона кайфият бағишлади. Томошабинлар орасида юқори энергия ва илқ муҳит ҳукм сурди. Байрамона кайфият давом этди. “Уч авлод учрашуви” тадбири университетнинг 95 йиллиги муносабати билан “AgroTech-2025” Республика стартап танлови бўлиб ўтди. Танлов доирасида ёш инноваторлар томонидан ишлаб чиқилган стартап лойиҳалари, рационализаторлик таклифлари ва замонавий ишланмалар кўргазмаси ташкил этилиб, иштирокчилар ўз гоълари ва ечимларини тақдим этдилар. Тадбирни университет ректори Н.Обломуратов очиб берди. Унда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Агросаноат мажмуи ходимлари касбаба уюشمаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти ҳақида фикр алмашдилар. Маълумот ўрнида, танловда Астрахан давлат университетининг Тошкент вилоятидаги филиали, Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар

тарғиб қилиш, спортга бўлган қизиқишни ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш университетнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Байрамона руҳда бошланган мусобақа расман очик деб эълон қилинди. Халқаро турнирининг тақдирлаш маросими ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Ректор Н. Обломуратов илқ сўзлари билан мусобақа иштирокчиларини табриклади, уларнинг спортдаги муваффақиятларини ва келажакдаги ютуқларини тилади. Шунингдек, Ҳакамлар хайъати раиси ва аъзолари сифатида Ким Эоор Жонг Корея Республикасидан иштирок этди. Спортчилар кўзларида қувонч, юзларида табассум – барча иштирокчилар учун унутилмас кун бўлди. Мазкур тадбир ёшлар орасида дўстлик, жисмоний баркамоллик ва ғалабага ишончни мустаҳкамлаш билан бирга Тошкент давлат аграр университети 95 йиллик тарихининг яна бир ёрқин саҳифасига айланди. Тадбирнинг асосий мақсади кураш



миллий спорт турини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш ва хорижий мамлакатларда янада кенг тарғиб қилиш, шунингдек, курашни ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича фаолиятни тизимли қўллаб-қувватлашдир. Мусобақада Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги 9 та олий таълим муассасалари, шунингдек, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон Республикаларидан келадиган талаба-ёшлар иштирок этди. Жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев, фахрий спорт мураббийлари ва халқаро спорт усталари ҳам тадбирда иштирок этди, бу эса турнирга алоҳида шараф ва юқори савия бағишлади.

Университет 95 йиллиги доирасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш мақсадида “Fruit house organic” МЧЖ билан ўзаро ҳамкорлик келишуви ҳам имзоланди. Мазкур келишув Ўзбекистон боғдорчилик соҳасида илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш, ёш мутахассисларнинг амалий кўникмаларини ошириш ва инновацион лойиҳаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳамкорлик доирасида талабалар, магистрлар, докторантлар ва профессор-ўқитувчилар учун боғдорчилик бўйича маҳорат дарслари ташкил этилиб, кўчатчилик хўжаликларига кўргазмали ва сайёр дарслар ўтказилади. Университет ўқув-тажриба хўжалигида кўчатчилик плантацияси барпо этилиб, тижоратлаштирилади, ижтимоий тармоқларга ҳамкорликда медиаресурслар жойланиб,



тарғибот ишлари йўлга қўйилади ҳамда ўқув адабиётлари яратилади. Маълумот ўрнида, ушбу МЧЖ асосчиси, ТДАУ битирувчиси Шухрат Абборов 2000-2006 йилларда университетда таҳсил олиб, АКШнинг Калифорния штатидаги “Family Tree Farms” компаниясида тажриба орттирган. Кейинчалик USAID лойиҳаларида фаолият юритиб, Ўзбекистонда замонавий боғдорчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Шунингдек, У 2019 йилда франциялик олим Фабиан Мартел билан ҳамкорликда “Fruit house organic” компаниясини ташкил этган бўлиб, бугунги кунда 50 дан ортқ мамлакатларда ўз тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон бўйлаб 2500 гектар мевали боғларда агроном-консультант сифатида фаолият юритмоқда.

Шу кун университет 95 йиллигига бағишланган “Хон атласнинг сеҳрли жилоси” фестивали ҳам бўлиб ўтди. Фестивал дастлаб университетда фаолият юритаётган, аграр соҳанинг ривожига ҳисса қўшган олима аёлларни эътироф этиш билан бошланди. Шундан сўнг талаба-қизлар иштирокида “Хон атласнинг сеҳрли жилоси” шиори остида модалар намойиши тақдим этилиб, меҳмонларга дўппи улашилди. “Бўстон” ашула ва рақс ансамбли томонидан миллий урф-одатларимизни акс эттирган ижод намуналари тақдим этилди. Тадбирда Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюشمаси раиси А.Ахмеджанова, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари С.Абдикаримова ҳамда аёл профессор-ўқитувчилардан таркиб топган талаба ёшлар иштирок этди. Тадбир якунида олима аёллар, фаол иштирокчилар ташаккурнома, эсдалик совгалари ҳамда университетнинг 95 йиллик кўкрак нишони билан тақдирланди. Фестивал меҳмонларга ва иштирокчиларга миллий анъаналарни яқинроқ ҳис қилиш, қизларимизнинг ижодий салоҳиятини намойиш этиш ва Тошкент давлат аграр университетининг 95 йиллик юбилейини юксак руҳда нишонлаш имконини берди.

ТДАУ ахборот хизмати.



университетининг Тошкент филиали, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳамда Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети вакиллари иштирок этди. Ундан сўнг байрам тантаналари “ТДАУ кубоги” кураш бўйича Халқаро турнир мусобақаларига улашиб кетди. Тадбирни университет биринчи проректори Ж.Лапасов очиб берди.

У ўз нутқида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини

ҲАМКОРЛИГИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН!

Тошкент давлат аграр университети жуда катта йўлни босиб ўтди. Босиб ўтилган бу йўл шубҳасиз, нафақат Ўзбекистоннинг балки аграр соҳадаги дунёвий аҳамиятга молик яратилишлар билан боғлиқ катта тарихдир. Зотан, илму фан ютуқлари фақатгина бир манзилга эмас, бутун дунё аҳлига хизмат қилади.



Татьяна ПОЛУТИНА,
Кубан давлат аграр университети проректори, профессор.

чиққан. Хусусан, кўп йиллардирки, бизнинг Кубан давлат аграр университети билан яқин ҳамкорлик қилиб келинади. Ҳар икки олий ўқув маскани ўртасида таълим методикаси, амалиёт жараёни ҳамда илмий изланишлар ва тажрибаларини йўлга қўйиш борасида узвий давом этиб келаётган ҳамкорлик анъанаси бор.

Университетнинг шонли юбилейи муносабати билан Ўзбекистонда бўлиб, бу ҳамкорликнинг самараси нечоғлик аҳамиятли эканлигини кўз билан кўриб, қалбдан ҳис қилдим. Университетнинг фаолият миқёси янада ошибди. Бу олий илм маскани ҳудудининг ўзи, унинг аграр соҳага мос табиатга эга бўлиши, шунга мос жиҳозланиши мени мамнун этди. Илм янгиликлари ҳаётга жорий этилаётганига гувоҳ бўлдим. Масканининг илмий иқтидорли ва ҳамжиҳат жамоага эгаллиги айниқса, ибратли.

Ҳа, мен бутун бу даргоҳ фаолияти мисолида Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги истиқболлини ҳис этдим. Шонли сана муносабати билан мазкур даргоҳда фаолият юритаётган ҳамкасбларни, ўзбекистонликларни чин кўнгилдан қутлайман. Байрам муборак бўлсин!



Тошкент давлат аграр университетининг 95 йиллиги доирасида ташкил этилган Халқаро конференцияда Қишлоқ хўжалиги соҳасига муносиб ҳисса қўшган фидойи ходимлар муносиб тақдирланди



УНИВЕРСИТЕТИМИЗ ҲУДУДИ ЯШИЛ МАКОНГА АЙЛАНДИ

Табий муҳитни асраб-авайлаш ва яшил ҳудудларни соғлом сақлашда дарахтларни кўпайтириш, агротехник шароитини яхшилаш ва уларни зарарли ҳашаротлар ҳамда бошқа турдаги зараркундалардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Университетимиз ҳудудидаги игна баргли дарахтлардан виргино арчаси, сабана арчаси, шарқ биотаси, ғарб туяси, қора қарағай каби манзарали дарахтлар ўзининг иссиқ, совуқ, қурғоқчиликка чидамлиги билан бошқа манзарали дарахт ва буталардан фарқ қилади. Япроқ баргли дарахтларнинг баланд бўйи, серсоя барг ва гуллари чирой бериб келмоқда. Кўпгина дарахт турлари ўзидан фитонцид моддалар ажратади, ўз навбатида ҳаводаги зарарли ва касаллик келтирувчи бактерияларга қирон келтиради. Бирок кўрсатиб ўтилган манзарали дарахтлар ноқулай шароитларда ўсавермайди. Игна баргли дарахтлар тупроқ унумдорлигига талабчан бўлади. Барча

манзарали дарахтларнинг яхши ўсиб, ривожланиши учун ўғитлаш, сўғориш ишларини ўз вақтида ўтказиш билан бир қаторда уларни зараркундалардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Манзарали дарахтларга турли зараркундалар: унсимон кўртлар, ширалар, қалқондорлар, қандалалар, уруғхўрлар, тунламлар, симкўртлар, пўстлоқхўрлар, ёғочхўр ҳашаротлар, каналар ҳамда касалликлар катта зарар етказиши.

Бундай зараркундаларга қарши курашда университет олимлари хусусан, ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси профессор-ўқитувчилари ва докторантлари томонидан университет ҳудудида ўсаётган



манзарали дарахтларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган зараркундаларни аниқлаш бўйича муттасил мониторинг илмий кузатув ишлари

олиб боришмоқда. Мониторинг натижаларига кўра аниқланган зараркундалар ва касалликларга қарши агротехник, биологик ва кимёвий тадбирлар амалга ошириб

АГРАР СОҲАДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати нафақат унинг табиий ресурслари, балки инсон капиталининг ривожланганлик даражаси билан ҳам белгиланади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги каби стратегик тармоқларда билимли, замонавий тафаккурга эга, инновацион фикрлайдиган мутахассисларнинг мавжудлиги иқтисодий тараққиётнинг асосий драйверидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва инсон капиталини ривожлантириш – мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлиги гаровидир”. Бугунги глобал иқтисодиётда давлат тараққиёти табиий ресурслар билан эмас, балки инсон капиталли билан белгиланмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида билимли, инновацион фикрлайдиган кадрлар мавжудлиги озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий ўсиш ва қишлоқ ҳудудларининг ривожланишини таъминлайди.

Тошкент давлат аграр университети – мамлакат аграр салоҳиятини шакллантирувчи етакчи таълим ва илм-фан маркази. Университетда 8 та факультет, 29 та кафедра, илмий-тадқиқот лабораториялари фаолият юритмоқда. Халқаро ҳамкорлик доирасида Нидерландия, Туркия, Венгрия, Хитой каби мамлакатлар университетлари билан қўшма дастурлар амалга оширилмоқда. 2024-2025 ўқув йилида 180 дан ортқ талаба хорижда таҳсил олиш имконига эга бўлди. Университетда таълим жараёни тўлиқ рақамлаштирилган. 2020 йилдан кредит-модуль тизими жорий этилди. 2021-2024 йилларда 5 та янги лаборатория ташкил этилиб, амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда. 2024 йилда профессор-ўқитувчилардан 120 нафари хорижда стажировка ўтади. 2022-2024 йилларда 30 та инновацион ишланма фермер хўжаликларига жорий этилди, меҳнат унумдорлиги 15-20 фоизга ошди. 2024 йилда ТошДАУ олимлари томонидан 60 та мақола Scopus/Web of Science журналларида чоп этилди. Университет ASIN (Германия) халқаро аккредитациясидан муваффақиятли ўтди, бу дипломларнинг жаҳонда тан олиншини таъминлайди. Университет битирувчиларининг 87 фоизи мутахассислиги бўйича ишга жойлашмоқда. 2024 йилда 100 га яқин битирувчи ўз стартапларини йўлга қўйди. Аграр таълим, инновация ва ишлаб чиқариш интеграцияси қишлоқ жойларда бандликни оширмоқда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминламоқда.

Аграр соҳада инсон капиталини ривожлантириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг стратегик йўналишидир. Тошкент давлат аграр университети инновацион кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ва миллий агроинновация маркази сифатида мамлакат иқтисодий хавфсизлигига ҳисса қўшмоқда. Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида янги босқич – рақамли, экологик ва инсон капиталига таянган ривожланиш даври бошланди. Тошкент давлат аграр университети эса бу йўлда миллий аграр инновация маркази сифатида етакчилик қилмоқда. Айнан инсон капиталига берилган эътибор Ўзбекистоннинг аграр сиёсати ва миллий иқтисодий хавфсизлигининг энг муҳим қафолатидир.

Тошкент давлат аграр университети 95 йиллик фаолияти давомида мамлакат аграр салоҳиятини юксалтириш, илмий инновациялар яратиш ва кадрлар тайёрлашда бекиёс ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда университет нафақат таълим муассасаси, балки миллий аграр инновация марказига айланган. Келгусида аграр таълимни халқаро тажриба асосида ривожлантириш, рақобатбардош иқтисодиётга мос янги авлод кадрларини тайёрлаш ва илмий натижаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали мамлакатнинг барқарор аграр тараққиётини таъминлаши муқаррар.

Илҳом ОЧИЛОВ,
ТДАУ “Агроиқтисодиёт” кафедраси мудири,
и.ф.д, профессор,
Дилдора САИДОВА,
“Агроиқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

борилмоқда. Университетимизнинг 95 йиллиги байрами олдида ҳам манзарали ўсимликлар қайта кўздан кечирилиб, мониторинг ва уйғунлашган ҳимоя (IPM) тадбирлари олиб борилади. Махсус тайёрланган препаратлар билан ишлов бериш натижасида дарахтларнинг узоқ муддат соғлом ва яшнаб ўсиши учун қулай шароит яратилди. Ушбу чора-тадбирлар нафақат дарахтларни сақлаш, балки уларнинг экологик аҳамиятини оширишда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу тадбирлар университетда олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишларига ўзгача фойз киритди.

А.ХОЛИЕВ,
Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси мудири.

У раҳбар бўлиб келган йилдаёқ режасалар бажарилиб, ишчиларда миннатдорлик ҳисси пайдо бўлди

“Болалик кунларимда...”

➤ Фахрийларимиз

Наманган шаҳрининг Курашхона даҳасида физика–математика ўқитувчиси, ҳалол ва меҳнатсеварлиги билан элда ҳурмат топган Яхёхон ака билан Зайнабхон аянинг тўнғич фарзандлари бўлмиш Абдурашидни болалигидан зиммасидаги иккита масъулият тинч қўймасди: ота–онасига муносиб ўғил ва укаларига меҳрибон ака бўлиш. Йиллар оша бу масъулиятларнинг сони ҳам, тури ҳам кўпайди: аълочи талаба, сеvimли ёр, жонфидо ота, ишончли шозирд, забардаст, ишбилармон раҳбар ва энг қийини – ХАЛҚ СУЙГАН ИНСОН бўлиш.

Етуқлик аттестатини олган ўғил пойтахтга отланди. У ўтган асрнинг 60-70 йилларида иқтисодиётни ривожлантириш учун энг керакли касблардан бири муҳандислиқни танлаган эди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқишга кирди. Намунали талаба бўлиб, устозлари меҳрини қозонди. Омадини қарангки, Россиянинг катта саноат корхоналарида амалиётни ўташига тўғри келди. Меҳнатга муносабат, тартиб ва интизомни, янгиликка ўчлик, қатъият ва синчковлиқни ўрганди. 1972 йили институтни тамомлаб, Наманган шойи ва костюмбоп матолар комбинатига ишга келди. Бу гигант корхонада оддий усталиқдан корхона бош директори ўринбосари лавозимигача кўтарилди. У техника “тилини” яхши биларди. Дастгоҳлар қўққисдан бузилиб қолса, “раҳбарман, палончиман” деб ўтирмай, шартта костюмини ечиб, қўлини қорамойга уриб, тузатиб кетаверарди. Бу каби феъли албатта, атрофдагиларнинг назарига тушганди. “Катталарнинг” мулоҳаза қилишларича, энди Абдурашид акага бу комбинат “торлик” қилиб қолди. Унинг ўз истеъдодини яққолроқ намоиш қилишга имкон бериш керак. Шундай қилиб уни Поп туманидаги янги ташкил

НАМАНГАН САНОАТЧИЛАРИНИНГ ДАРҒАСИ

Абдурашид Убайдуллаев – таниқли жамоат арбоби, вилоят саноатчиларининг сардори, фаол фахрий, зиёли, ўзига хос файласуф.

топган нотўқима материаллар фабрикасида директор этиб тайинлашди. Раҳбар фабрикадаги аҳвол билан яқиндан танишди. Бир ярим минг одам ишлайдиган корхонада режасалар бажарилмаётган, ишчи ва инженер-техник ходимларга шароитлар ўлда-жўлда. У келибоқ ижтимоий масалаларни ҳал этишга киришди. Ишни ҳудуддаги саккизта ҳожатхонани эпаккага келтиришдан, ишчилар ошхонаси фаолиятини йўлга қўйишдан, маошларни вақтида, чиройлироқ, баракалироқ қилиб беришдан бошлади. Табиийки, жамоага эътибор – ишга сидқидилликни оширди. Ўша йилиёқ режасалар ошириб бажарилди. Ишчиларда миннатдорлик ҳисси пайдо бўлди. Бу эса албатта вилоят раҳбарларининг қулоғига тушди. Орадан икки йил ўтиб Абдурашид Яхёевични йўқлашди. Уни анада каттароқ вазифага – Наманган нотўқима матолар ишлаб чиқариш бирлашмасига бош директор этиб, корхонанинг Поп ва Балиқчи туманларидаги фабрикалари тасарруфи бирлашмага бириктирилди. Бирлашмадаги беш йиллик фаолиятдан сўнг уни Наманган шаҳар ижроқўми раиси ўринбосарлигига ўтказишди. Кейин Давлатобод тумани ижроқўм раиси, туманининг биринчи ҳокими бўлди. Мустақилликнинг дастлабки даври – 1992-1993 йилларда вилоят ҳокимининг ўринбосари бўлган пайттида Наманганда вазият оғир эди. У ҳар қандай раҳбардан қучли сиёсий билим ва тафаккурни талаб этарди. Абдурашид Яхёевич оғир синовлардан ҳам матонат билан ўтди. Халқимизда “Ошхўрга – ош, ишхўрга – иш”, деган жайдарни мақол бор. Қаҳрамонимиз яна кўз очиб кўрган даргоҳи – Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори лавозимида тўрт йил ишлагач, вилоят савдо саноат концерни раисининг биринчи ўринбосари, “Намангантекстил” ҳиссасдорлик жамияти бошқаруви раиси бўлди. Сўнгра ўн беш йил давомида вилоят ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи, бош давлат

инспектори, шунинг орасида жамоатчилик асосида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси лавозимларида жонбозлик билан меҳнат қилди. Қаҳрамонимиз таржимаи ҳолидаги меҳнат манзилларининг қўплиги ва тобора юқорилашаётганидан зерикиб қолмадингизми? Ҳолбуки, буларни айтиш, қайд этиш шарт. Ёзмасак бўлмайди. Чунки, бу ўзлигини топган, эл-юрт хизматини, жавобгарлигини елкасига олган бир ШАХСнинг яратган тарихи. Одатда, аксарият одам мансаб ва амалга интилади. Бу йўлда барча имкониятларини ишга солади. Аммо чин маънодаги фидойи инсонлар борки, лавозимлар уларнинг орқасидан қувиб юради. Абдурашид Яхёевични ҳудди шундайлар тоифасига киритиш мумкин. Халқпарвар раҳбарлар учун пенсияга чиқиб, дам олиш деган “имтиёз” бўлмайди. Улар жисмонан соғлом, ақлдан теран эканлар ўзларини оммадан айри ҳолда тасаввур этолмайдилар. Умрларининг сўнгги дақиқаларигача давлат ва жамият ривожини, эл-юрт розилиғи йўлида ҳаракат қилаверадилар. Қолаверса, миллатнинг қаймоғи, фахри бўлган бундай шахсларнинг тажрибалари, йўл-йўриқлари хазинадирки, катта йўлга чиққан тadbиркорлар, ёш раҳбарлар учун катта мактаб ҳисобланади. Бу хазинадан қанчалик кўп улуш олсалар, ўзларига фойда.

Ҳаёт экан-да, баъзан бугунги гап эртага тўғри келмайди. Абдурашид Яхёевич етмиш ёшга киргандан кейин бир муддат фаолиятсиз қолди. Ҳар қандай азим дарахтнинг тупроқдаги илдизига сув, кўкка бўй чўзган шохларига қуёш нури етиб бормас экан, у заифлаша бошлади. Томирларида куч-ғайрати, шижоати жўш уриб турган инсон ҳам ҳудди шундай. Унга вужудда қайнаб турган энергиясини, миёсидаги олтинга тенг фикрларини, умр бўйи ийққан тажрибасини сарфлаш учун катта майдон, катта аудитория керак. “AISHA HOME TEXTIL” масъулияти чекланган жамияти



таъсисчиси, эндиликда саховатли тadbиркорлиғи билан ном қозонаётган, “Шуҳрат” медали соҳибини Жобирхон Камолитдинов Абдурашид Яхёевични қўшма корхонасига директор маслаҳатчиси вазифасига таклиф этди. Мана, уч йилдирки, афсонавий саноатчи билан замонавий бизнесмен ота-боладек бамаслаҳат янги-янги лойиҳаларни амалга ошириш устида қўлни қўлга бериб, ҳавас қиларли ҳолда фаолият олиб боришмоқда. Улуғвор натижаларни, ютуқларни эса ҳаммамиз ҳар кунни кўриб, эшитиб турибмиз.

Яқин ўтмишдаги энг катта раҳбарнинг кўп такрорлайдиган бир гапи бўлар эди: фахрийлардаги тажриба ва малака билан ёшлардаги куч-ғайрат, шиддат бирлашса, улуғ ғалабаларни қозониш ҳеч гап эмас.

Дарвоқе, қаҳрамонимизни Аллоҳ таоло оилавий бахт, оталик ва боболик шарафи билан ҳам бекаму кўст сийлаганки, фақат ҳавас қилиш ва ибрат олишга арзийди. Устоз ҳуқуқшунос рафикалари Сожидахон ая билан забардаст уч ўғилни тарбиялаб, ўқитиб, жамият учун керакли инсонлар этиб вояга етказдилар. Уч келиннинг эса ота-она – қайнона-қайнота дуолари йўлида камарбаста бўлаётганларига эса шубҳа йўқ. Бу каби толеи баланд қисмат узоқ-узоқ йиллар бардавом бўлишини чин кўнғилдан тилаймиз.

Рислиқхон МАЖНУНОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист.



ДОВОНДА ШУНДАЙИН МАҒРУР ҚОЯ БОР...

“Содиқ хизматлари учун” медали соҳибини Абдурашид Убайдуллаевга

Қамчиқ доvon оша водийга қайтсам, Улуғвор бир қоя қарши олади. Пойида ҳайрат-ла ўйларга толсам, Сийрати самога нарвон солади.

У шундай яралган. Ёз, қиш демайди, Қўқрагин керади дўл, бўронларга. Хавфу хатарларга изн бермайди, Қиёсин ўхшатгум мард ўғлонларга.

Қуёшга талпинар бургутдек чақин, Ва лек заминидан оёқ узмайди. Манзубердидек севади халқин, Хоин, олчоқларга имкон бермайди.

Довонда шундайин мағрур қоя бор, Хар гал кўрганымда, фахр этаман. У оддий қоямас, нурли, бетакрор, Ҳақни ўйлаганда, унга қайтаман.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибини.



➤ Реклама

МКBANKning Sherdor kartasi — premium qulayliklar siz tomonda!



Karta narxi: 70 000 so'm

1 oylik abonent to'lovi — BXMning 15%

Afzalliklari:

- Toshkent xalqaro aeroportidagi CIP Lounge hududiga yiliga 4 martagacha bepul kirish;
- Yiliga 6 martagacha dunyo bo'ylab aeroport lounge va CIP zallariga bepul kirish;
- Mashhur restoranlar, do'konlar va xizmat ko'rsatish maskanlarida 20 foizgacha chegirmalar;
- Zeekr avtomobillari xaridida maxsus chegirma;
- Golden House xonadonlari uchun imtiyozli narxlar.

Imtiyozlar ro'yxati doimiy ravishda yangilanib boriladi.

Xizmatlar litsenziyalangan

“ТОНГ ЮЛДУЗИ” КУТУБХОНАСИНИНГ ИККИНЧИ КИТОБИ

“Тонг юлдузи” кутубхонаси” туркумида “Болалик кунларимда...” номли китоб чоп этилди. Ўқувчилар ушбу китобдан “Тонг юлдузи” газетасида ёритилган мамлакатимиздаги таниқли ижодкорлар, илму фан фидойилари ҳамда эл ардоғидаги санъаткорларнинг болалик хотиралари, ўқувчилик давридаги қизикарли воқеалар билан танишиш имкониятига эга бўлишди.



Эътиборлиси, “Тонг юлдузи” газетасида қатор рукнлар мавжуд бўлиб, улардан, айниқса, “Болалик кунларимда...”рукни нашр муштарийлари орасида оммалашган. Мазкур рукнда ёритилган ҳар бир қаҳрамоннинг болалиғи, ҳаёт йўлидаги синовлар

ва уларни енгишда мардонаворлиғи ҳар бир ўқувчига ибрат мактабини ўтажак!

Биринчи китоб “Тонг юлдузи” ёритган олам” Миллий кутубхона фонди ҳамда тизимдаги 200 дан ортик ҳар бир кутубхонага икки донадан ҳамда

республикамиздаги ҳар бир ижод мактаблари кутубхонаси учун икки донадан ҳамда умумтаълим мактаблари кутубхонасига имкон қадар бепул тарқатилди. “Болалик кунларимда...” китобида ҳам бу анъана давом этади. Мухайё ЎРОҚОВА



Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

➤ Эълонлар

10-02/12823 рақами билан 1993 йил 5 мартда Раҳматиллаева Диёра Джапаровна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	09-02/7587 рақами билан 1993 йил 22 мартда Маҳкамов Фотих Рахимович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	05-02/1994 рақами билан 1993 йил 13январда Ягудина Дилбар Ильясовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
--	--	--

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
**Чори
ЛАТИПОВ**

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАХМОНОВ,
Шавкат ХАМРОЕВ,
Ақтам ХАИТОВ,
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Раимқул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси – 144. Буюртма Г-1117. 1430 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.00